

Энг афзал ибодат



07:30 / 05.03.2019 4319

Ҳикоя қилишларича, Абдуллоҳ Умарий имом Моликка мактуб йўллаб, уни узлатга чекиниб, фақат тоат-ибодат билан машғул бўлишга чақирди. Имом Молик унга қуйидагича жавоб ёздилар: «Аллоҳ таоло ризқларни тақсимлагани каби амалларни ҳам тақсимлаб қўйган. Баъзи инсонларнинг қалбини намозга очиб қўйган, лекин рўза тутишга очмаган бўлади. Ибодатларнинг энг афзали илмни ёйишдир. Аллоҳ таоло менинг қалбимни шунга очганидан мингдан минг розиман. Менинг ҳолатим сизнинг ҳолатингиздан пастроқ, деб ўйламайман. Умид қиламанки, иккимиз ҳам яхшилик ва эзгуликдамиз».

«Солиҳлар гулшани» китобидан